



## “МОЛ-МУЛКНИ ПОРАГА ОЛМАГАН БЎЛСАНГ, ИСБОТЛА!”

ёхуд коррупцияни жиловлаш  
бўйича халқаро тажриба



## САНЪАТКОР ДАСТЁР БЎЛИШИГА МАЖБУР ЭМАС

Давоми 5-саҳифада

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИ: ФОЙДАДАН КЎРА ЗАРАРИ КЎПРОҚ ВАЗИФАЛАР

1974 йилдан буён халқ таълими соҳасида ишлаб келяпман. Мактаб кутубхоначилигидан директорликкача бўлган, бир қараганда яқин, иккинчидан, узоқ йўлни босиб ўтдим. Агар 1964 йилда биринчи синфга борганимни қўшиб ҳисобласак, қарийб 60 йилдан буён мактаб бағридаман. Шу боис соҳанинг икир-чикирларидан яхшигина хабардорман...

Давоми 8-саҳифада



## ОНА ТИЛИ ЎҚИТИЛИШИДА ОҚСОҚЛИКЛАР КЎП

Бугунги кунда Ер юзидagi 50 миллиондан ортиқ аҳоли ўзбек тилида гаплашади. Юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Мамлакатимизда шаклланган одил тил сиёсати боис сўнгги йилларда она тилимизнинг мавқеини юксалтириш, уни чинакам давлат тилига айлантириш учун кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Ҳукумат таркибида Давлат тилини ривожлантириш департаментининг ташкил этилгани, вазирлик, ташкилот ва идораларда раҳбарнинг тил масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолият кўрсатаётгани — бу бордаги ижобий силжишларга ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Юртбошимизнинг 2020-йил 20-октябрдаги фармони билан “2020 — 2030-йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси” тасдиқланиб, вазифалар белгилаб берилган.

Давоми 3-саҳифада



## ҚУДРАТЛИ ҚУРОЛ

Хайрли ва манфаатли ҳаракат, маърифий мақсад ва ташаббускорлик тараққиёт тушунчасининг мазмун ва моҳиятини очиб беради. Фаолиятнинг икки қаноти бор - бири ташаббускорлик бўлса, иккинчиси ташкилотчиликдир. Шундай экан, мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигига хизмат қиладиган ҳар қандай гоя ва ташаббуслар давлат ва ҳукуматимиз томонидан қўллаб - қувватланаётгани Янги Ўзбекистоннинг руҳи ва шуқуҳига монанд.

Барча пировард мақсадларнинг рўёбига хизмат қиладиган ҳаракатлар бевосита ва билвосита учта тушунчага бориб боғланади. Булар, сўзлаш, тинглаш ва англашдир. Сўзлаш маърифатдан, тинглаш маданиятдан, англаш эса маънавиятдан. Булар жамланган ҳолда мулоқот этикети ва муомала маданияти, бошқача айтганда, нотиклик санъатининг таркибий қисмларидир.

Тасаввур килинг, кўрган, билган, тинглаган нарса-ҳодиса ҳақидаги фикримизни эмин-эркин, мустақил тарзда оғзаки ҳамда ёзма йўсинда етказа олмасак, ўзимизни чин маънода саводхон, қолаверса, маънавиятли дея оламизми? Албатта, йўқ.

Шунинг учун ҳам халқ билан мулоқот ва муомала маданияти, коммуникатив компетентлик тушунчаси ниҳоятда муҳим, чунки у оддий сўзлашувдан тортиб илмий, таълимий, ҳатто сиёсий жараёнларгача бўлган воқеликни камраб олади.

Давоми 7-саҳифада



Ўтган олти йилда мамлакат тараққиётини таъминлаш учун белгилаб берилган устувор мақсад ва вазифаларнинг ўз вақтида ҳаётга татбиқ этилиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръати тубдан ўзгарди. Бу борада, энг аввало, ислохотларнинг қон-томири бўлган, мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш, миллий валюта ва ички бозордаги нархлар барқарорлигини таъминлаш, солиқ-бюджет ислохотларини олиб боришга асосий эътибор қаратилди.

Натижада, валюта бозори либераллаштирилиб, валюта тушумларини сотиш мажбуриятлари бекор қилинди. Импорт қилишда чет эл валютасини эркин харид қилиш ва чет эл инвесторларининг фойдани эркин олиб чиқиш имконияти яратилди. Бундай қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича амалга оширилган ислохотларимиз натижасида сўнгги 5 йилда иқтисодиётимизга кириб келган хорижий инвестициялар ҳажми 10 баробар ошиб, қарийб 40 миллиард долларни ташкил этди.

Шу билан бирга, божхона тўловлари ставкалари икки баравар пасайтирилди. Ҳукумат, барча вазирлик ва идоралар ҳамда Марказий банк томонидан макроиқтисодий кўрсаткичлар, давлат бюджети ижроси, пул муомаласи ва олтин-валюта захиралари ҳолати тўғрисидаги барча статистик ва таҳлилий маълумотларни доимий равишда очиқ чоп этиб бориши йўлга қўйилди.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун барча шароитлар яратиб берилди. Бунинг натижасида эса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текшириш амалиёти бекор қилинди. Соҳага ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши натижасида тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш учун давлат хизматларини кўрсатиш тартиботлари сони, рўйхатдан ўтиш учун кетадиган вақт қисқарди.

Жумладан, соҳада икки юздан ортиқ лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. Солиқларнинг умумий сони 13 тадан 9 тага қисқарди, айрим солиқ ставкалари 2 баробар камайтирилди. 2019 йилда қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилган бўлса, келгуси йилдан бошлаб 15 фоиздан 12 фоизга туширилади.

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлисида юқоридаги каби амалга оширилган иқтисодий ислохотлар билан бир қаторда, Ўзбекистонда келгусида амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотлар ҳақида маълумотлар айтиб ўтилди.

Жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо хоним ҳамда жаҳоннинг етакчи компаниялари ва молия институтлари раҳбарлари иштирок этган ушбу анжуманда давлатимиз раҳбари томонидан миллий иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлаш ва унинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси учун барча зарур шаро-


ни тараққий этириш йўналишларида ўзлаштиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонда илғор хо-

1 минг 200 та давлат корхонаси хусусийлаштирилди. Келгуси йилнинг ўзида яна мингга яқин корхона ва кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш режалаштирилган.

Шу билан бирга, давлат-хусусий шериклик механизмлари иқтисодиётимизнинг барча тармоқларига фаол татбиқ этиб келинмоқда. Қисқа муддатда мазкур йўналишда сезиларли натижаларга эришилганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Биргина энергетика соҳасида Ўзбекистон, ушбу механизмлардан фойдаланган ҳолда, 8 миллиард доллардан ортиқ маблағни жалб этди.

Хорижий инвестицияларни ўзлаштиришда Ўзбекистоннинг яна бир ўзига хос тармоғи бу бой табиий ресурсларидир. Айни кунларда Ўзбекистон олтин захиралари бўйича дунёда 2-ўринни, мис бўйича – 7-ўрин, вольфрам бўйича – 8-ўрин,



## МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ОШАДИ

итларни яратиш мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналиши этиб белгиланганлиги таъкидланди.

Шу боис, барча имкониятлардан кенг ва самарали фойдаланган ҳолда келгуси 10 йил давомида ялпи ички маҳсулот ҳажмини ҳозирги кўрсаткичдан икки баробар ошириш, ху-

рижий амалиёт ва тажрибани жорий этиш мақсадида Хорижий инвесторлар кенгаши ҳузурида доимий фаолият юритадиган Инвесторларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш қўмитасини ташкил қилиш таклифи илгари сурилди.

Самимий мулоқот руҳида бўлиб ўтган учрашувда банк-молия соҳаси-

кумуш бўйича – 9-ўрин, уран бўйича – 12-ўринни эгаллаб турибди.

Шу боис, фойдали қазилма конларини ўзлаштириш соҳасига йирик инвестицияларни жалб этиш мақсадида геологик маълумотларни очиқ эълон қилинди. 10 дан ортиқ турдаги стратегик фойдали қазилмаларни ўзлаштириш учун солиқ ставкаларини пасайтирилди, ер солиғи бекор қилдинди, махсус техникаларни олиб кириш божхона тўловларидан озод этилди.

Яна бир иқтисодий йўналишда долзарб бўлиб, кун тартибига чиққан муҳим масала бу — “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш масаласидир. Ўзбекистон Ҳукумати томонидан сўнгги йилларда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш жараёнида фаол иш олиб борилмоқда.

Қабул қилинган стратегиямизга мувофиқ, 2026 йилга бориб муқобил манбалардан олинган энергиянинг умумий генерациядаги улушини 25 фоизга етказиш белгиланган. Шу билан бирга, илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш ва қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

**Сўнгги йилларда иқтисодиётда давлат улушини камайтириш ва хусусийлаштиришни янада чуқурлаштирилиши натижасида Ўзбекистонда 1 минг 200 та давлат корхонаси хусусийлаштирилди. Келгуси йилнинг ўзида яна мингга яқин корхона ва кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш режалаштирилган.**

сусан, 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш мақсад қилинган. Шу билан бирга, бундай юксак марралар учун сармоялар ҳажмини келгуси 5 йилда 120 миллиард долларга етказиш, жумладан, камида 70 миллиард доллар хорижий инвестициялар жалб этиш режалаштирилган.

Ушбу инвестицияларни, энг аввало, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва кундалик эҳтиёжларида бирламчи аҳамият касб этувчи саноат тармоқларини модернизация ва трансформация қилиш, ишлаб чиқариш, коммунал ва транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш, таълим ва соғлиқни сақлаш каби давлат тасарруфидаги анъанавий соҳалар-

да ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш, хорижий банкларни Ўзбекистонга фаол жалб этиш, самарали фонд бозорини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди.

Сўнгги йилларда иқтисодиётда давлат улушини камайтириш ва хусусийлаштиришни янада чуқурлаштирилиши натижасида Ўзбекистонда

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлисида мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятларининг айнан давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилиши ҳамда бу жараёнда қонун устуворлиги, хусусий мулк дахлсизлиги ҳамда мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бош тамойилларидан бири этиб белгиланганлиги, Ўзбекистонда бошланган иқтисодий ислохотлар ортага қайтмас даражада қатъий эканлигини билдиради.

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты





(Боши 1-саҳифада)

## ОНА ТИЛИ ЎҚИТИЛИШИДА ОҚСОҚЛИКЛАР КЎП

Улар қаторида таълим муассасаларида давлат тилини ўқитиш тизими янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш соҳасида 2025-йилга қадар давлат мактабгача таълим тизимида ўзбек тилли гуруҳлар қамровини 72 фоизга, 2030-йилгача эса 80 фоизга етказиш кўзда тутилган. 2030-йилга қадар умумтаълим мактабларида ўзбек тили фанини ўқитиш кўламини амалдаги ҳафтада 84 соатдан 110 соатгача ошириш, олий таълим муассасаларида ўзбек тили кафедралари сонини 2025-йилга қадар 120 тага етказиш, филология таълим йўналишларида “Компютер лингвистикаси”, “Амалий филология” йўналишларини ташкил қилиш, шунингдек ўзбек тилидаги мавжуд луғатлар асосида узлуксиз таълимнинг барча турлари учун ўқув луғатларини яратиш каби марралар белгиланган ва бугунги кунда бу борада ишлар тизимли амалга оширилмоқда.

Аммо, очигини айтганда, узлуксиз таълим тизимида ўзбек тилининг ёки она тили ва адабиёт фанининг ўқитилишида бир қатор оқсоқликлар мавжуд. Шу каби камчилик ва муаммоларнинг рақамларига тўхталамиз. Кадрлар сифатига баҳо Таълим инспекцияси томонидан ўтказиладиган педагог кадрлар аттестацияси натижалари билан ўлчанади. Сўнгги икки йилда она тили ва адабиёти фанидан педагог кадрлар аттестацияси натижаларига кўра жараёнда иштирок этган 6736 нафар педагогдан 7% и аъло, 16,5% и яхши, 22,4% и қониқарли ва 54,1% и қониқарсиз натижа кўрсатганлигининг ўзи ташвишли сигнал сифатида қаралиши лозим.

Бундан ташқари, ҳар йили эълон қилинадиган мактаблар рейтингини аниқлаш жараёнида мактаб ўқувчиларининг она тили бўйича кўникмалари алоҳида индикатор сифатида баҳоланади. Хусусан, ўтган йилги мактаблар рейтингини аниқлаш жараёнида 9-синф ўқувчиларидан она тили фанидан диктант олинганда уларнинг 27 фоизи қониқарсиз натижа қайд этган. Ушбу натижалар ҳам ўқувчиларда ёзма нутқ кўникмаларининг йетарли даражада шаклланмаётганлиги – таълим мутасаддилари, устоз ўқитувчилар олдида улкан вазифаларни кўяди.

Ўзбек тили таълими ўзга тил ўқувчиларини ўзбек тилини ўрганиш, англаш, фикрини шу тилда оғзаки ва

ёзма баён етиш орқали ўзбек халқининг маданиятини ўргатиш, баркамол шахс сифатида тарбиялаш, унда эзгу маънавий сифат ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг учун ёшларни миллий ва жаҳон маданиятининг энг сара асарлари билан таништириш орқали уларда бадиий асар қаҳрамонларидаги турли маънавий-ахлоқий сифатлашларга фаол ҳамда асосли мантиқий ва ҳиссий муносабат уйғотиш лозим бўлади.

Тараққиёт бор жойда янги билим ва янги ёндашувларга эҳтиёж сезилиши табиий. Шу боис она тили ва хорижий тилларни, ўзбек ва жаҳон адабиётини ўқитишни замон талабига ҳамоҳанг ташкил этиш, мавжуд муаммоларни бартараф етиш эртанги истиқболдаги ютуқларимиз кафолатидир.

Вазирлар Маҳкамасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021-йил 10-февралдаги қарори ва унинг иловасидаги йўл харитасида — ҳужжатлар лойиҳаларини илмий лингвистик экспертизадан ўтказиш, Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси, имло қоидалари ва давлат тилида иш юритишни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, электрон дастурий таъминотларини тайёрлаш, вазирлик, идора ва ташкилотларда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва янги имло қоидаларини ўрганишга мўлжалланган услубий қўлланма, имло, атама, жой, киши номлари, ўқув луғатлари тайёрлаш, кириллдаги адабиётларни лотин ёзувидаги ўзбек алифбосига ўтказиш, янги алифбодаги ёзувда иш юритишга тўлиқ ўтиш каби вазифалар белгиланган.

Унга кўра Таълим инспекцияси буйруқлари тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида расмийлаштирилмоқда. Ташки ва бинолар ичидаги ёзувлар, лавҳалар, рекламалар, иш қоғозлари, бланklar, пешлавҳалар, стендлар, Таълим инспекцияси расмий веб-сайти, эълонлар ва оммавий тарғибот матери-

аллари лотин ёзувига ўтказилди. Иш юритиш ҳужжатлари лотин ёзувида ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши назоратга олинди. Адлия вазирлигида лингвистик экспертизага бағишлаб ўтказилган семинарларда иштирок етилди. 2021-2022-йилларда 20 нафарга яқин ходимлар Тош-

кент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошидаги марказда малака оширишди. “Давлат тилида иш юритиш” китобидан фойдаланиш бўйича “ДТРМ-Таълим” каналдан фойдаланиш йўлга қўйилди. Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси томонидан чоп этилган “Давлат тилида иш юритиш” китоби барча ходимларига тарқатилди. Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ билан ўзбек тили таълимида узвийликни таъминлаш, узлуксиз таълим тизими Миллий ўқув дастурларига бағишланган конференция ва семинарларда иштирок этиб келинмоқда.

Таълим инспекцияси ўз фаолияти давомида узлуксиз таълим тизимида ўқув жараёнларини, таълим сифатини назорат қилиб боради. Маълумки, сифатли таълим – бу педагогнинг салоҳиятига боғлиқ, таълимнинг сифати ўқитувчининг сифатидан юқори бўла олмайди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўтказилган аттестация натижаларига кўра жами педагогларнинг 16 минг 190 нафари, яъни 6 фоизи олий малака тоифаси, 53 минг 662 нафари яъни 19 фоизи биринчи малака тоифаси, 104 минг 782 нафари яъни 38 фоиз иккинчи малака тоифаси олишга муваффақ бўлишган бўлса, 22 минг 626 нафар 8 фоиз педагогларга мутахассис малака тоифаси бериш тўғрисида, 20 минг 30 нафар 7 фоиз педагогларга нисбатан эса “Мутахассис лавозимига мувофиқ эмас”лиги тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, аттестацияда иштирок этиб, паст натижа қайд этган 61 489 (22,1%) нафар педагоглар ўз ихтиёри билан навбатдан ташқари қатнашганликлари сабабли уларга нисбатан салбий қарорлар қабул қилинмади, яъни амалдаги тоифаси пасайтирилмади. Ушбу аттестация жараёнида она тили, адабиёт ва ўзбек тили ўқитувчиларининг тоифалари ижобий томонга ўсаётганлиги кузатилди.

Яна бир фаолиятимиз таълим муассасалари аттестацияси ва аккредитацияси билан боғлиқ. Республикадаги мавжуд барча давлат ва нодавлат мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, профессионал таълим, ўрта махсус ва олий таълим

ташкilotлари аттестациядан ўтказилиб аккредитацияланади ва бу жараёнлар ОНАКС.уз электрон платформаси орқали амалга оширилади. Аттестация — бу Таълим муассасаси фаолиятини баҳолашда давлат назоратининг асосий шакли ҳисобланиб, таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда давлат талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат. Давлат аккредитацияси – эса Таълим муассасаси фаолиятининг давлат таълим стандартлари ва давлат талаблари мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши ҳамда унинг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни топшириш ҳуқуқини беришдан иборат. Ушбу жараёнлар ҳам тўлиқлигича лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида амалга оширилмоқда.

Таълим ташкilotлари раҳбарлари тадбиркорлар ҳисобланади, ўзлари асос солаётган ташкilotга ном танлаш уларнинг ихтиёрида. Тадбиркорларда Нодавлат таълим муассасини ташкил этишдан асосий мақсад – молиявий манфаат ҳисобланади, одамларни қизиқтириш учун хорижий номлардан, турли рекламалардан фойдаланади.

Мухтасар қилсак, Юртбошимиз айтганларидек ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган еътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз лозим, бу ҳаракатни барчамиз ўзимиздан бошлашимиз, амалий фаолиятда намён етишимиз керак.

Майли “Давлат тили тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, “Янги таҳрирдаги ўзбек тили имлоси”нинг қабул қилиниши вақтинча орқага суриляётгандир, лекин биз маслаҳатчилар ҳар биримиз ўз ишоналаримизда бор имкониятлар доирасида белни маҳкам боғлаб, ўзбек тилининг мавқеини ошириш, давлат тилини ривожлантириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ўз вақтида таъминлаш, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий етиш, қўйингки устоз Низомиддин Маҳмудов таъкидлаганидек, жамиятда тил сезгиси ва сўз севгиси барқарорлашувига ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Бу еса ишонамизки, Янги Ўзбекистон стратегиясининг адолатли ижтимоий сиёсат юритиш йўналишида “Таълим ва тарбия бўйича янги имкониятларни ишга солиш, илм-фан – инновацион тараққиёт асоси”нинг яратилишига хизмат қилади.

**Абдурахим НАСИРОВ,**  
Таълим инспекцияси бошлигининг маслаҳатчиси,  
филология фанлари доктори,  
доцент



Суюкли шоиримиз Абдулла Орипов суҳбатларимиздан бирида порахўрлик каби иллатларни одамнинг тирноқларига ўхшатган эдилар, яъни у тугамайди, ўсиб чиқаверади, фақат вақти-вақти билан мунтазам қирқиб туриш керак. Коррупцияни батамом енга олган мамлакат йўқ. Халқаро рейтингда биринчи ўринда турадиган Янги Зеландия 100 баллдан 89 балл олган, холос. Аммо коррупцияни самарали жоловлай олган мамлакатлар бор. Уларнинг тажрибаси бизга фойдалидир. Шундай қилиб...



# “МОЛ-МУЛКНИ ПОРАГА ОЛМАГАН БЎЛСАНГ, ИСБОТЛА!”

## ёхуд коррупцияни жоловлаш бўйича халқаро тажриба

### Олмония

Германия жамиятда коррупцияга қарши курашиш борасида тизимли, шаффоф ва очиқ механизмларни яратган мамлакат. Transparency International ташкилотининг охириги ҳисоботида кўра, Германия 180 та мамлакат орасида 81 балл билан 12-ўринни эгаллаган. Оммавий ахборот воситалари бу ерда коррупция ҳолатлари ҳақида кескин материаллар ҳавола этади.

Коррупцияга мойиллик юқори бўлган ҳар бир соҳада ўзига хос кураш усуллари татбиқ этилган. Масалан, Давлат харидлари шаффофлашган — тендерлар ҳақида маълумотлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади, унинг ҳар бир босқичига (тайёргарлик, саралаш, тендер ва ҳисобга олиш) турли кишилар жавоб беради. Олмонияда коррупциялашган ташкилотларнинг “қора рўйхати” юритилади ва ҳар бир тендер ўтказилганда ёки шартнома тузилганда шу рўйхатга назар солинади.

Немис амалдорларини пора эвазига оғдириб олиш деярли имконсиз, чунки улар бир лаҳзада барча нарсдан — мансабидан, имтиёзлардан, жумладан, кафолатланган пенсиядан куруқ қолишдан қўрқади.

Германиядаги сезиларли ўзгаришларга полиция ва прокуратурада коррупцияга қарши бўлинмалар кучайгани, аноним хабарлар учун “ишонч телефонлари” йўлга қўйилгани, жиноят ва солиқ полициясининг яқин ҳамкорлик қилганлиги сабаб бўлмоқда. Илм-фан, олимлар коррупцияга сабаб бўлувчи барча омилларни чуқур тадқиқ қилмоқда. Аён бўлишича, амалдорнинг пора олишга тайёргарлиги ушбу лавозимда икки йилдан ортиқ ишлаганидан сўнг ўсиб борар экан. Шунинг учун ҳокимият йирик буюртмалар тақсмоти ёки зарур рухсатнома бериш билан шуғулланадиган ходимларни тез-тез алмаштириш чорала-

рини кўради. Амалдор бу мансабда узоқ қолмаслигини яхши биледи ва кейинги ишини эгаллаши учун ҳалол ишлаши лозимлигини тушунади.

Олмонияда хизмат ва совғаларни олишга оид қатъий қоидалар жорий этилган. Амалдор ёки давлат хизматчиси ёхуд ваколатли шахс томонидан олинган ҳар қандай совға, хизмат ёки бошқа қандайдир наф пора ҳисобланиши мумкин. Масалан, талаба томонидан домла тавсиянома ёзиб бергани учун миннатдорлик сифатида шоколад совға қилинса ҳам “ортиқча эътибор” ҳисобланади. У ҳеч қанақа совға олишга ҳақли эмас.

1998 йилда Олмонияга борганимизда Бош прокуратура, Олий Суд, Бундестаг (парламент) каби турли идораларда бўлдик. Ўзбекчилик — чопон, дўппи, Чуст пичоғи каби совғалар олиб олганмиз. Қайси идорага кириб раҳбариятига совға қилсак, аввал рад этади, жуда қўймасак, ходимини чақириб, қанча туришини сўраб, кирим қилиб, ҳужжатлаштириб қўяди. Чунки 5-7 доллардан қиммат нарса совғага олиш мумкин эмас экан.

Биз ўзбек мусаввири Исфандиёрнинг “Олтин куз” асари Лувр музейида сақланадиган Осиёлик замонавий рассомнинг ягона асари эканидан фахрланамиз. У қандай Луврга олинган? Бу Ўзбекистон раҳбари Франция Президенти Миттеранга совға қилган асардир. У ўзига олиши мумкин бўлмаганидан, музейга топширган.

Ўзбекистонда дори ишлаб чиқарувчилар ёки сотувчиларнинг шифокорлар билан тил бириктириши кузатилади. Арзон дори турганда шифокор қиммат, кучли дориларни ёзиб беради... Германияда кардиостимулятор ишлаб чиқарувчилар ва шифокорлар ўзаро тил бириктириб, ноқонуний иш олиб борганлиги аниқланиб, қаттиқ чоралар кўрилган. Siemens ва Daimler компаниялари дунёнинг турли мамлакатларида

мансабдор шахсларини пора эвазига оғдириб олиб, ўзлари учун фойдали битимларни қўлга киритишгани кенг қамровли суд ишлари, қамок жазолари, сиёсатчиларнинг истеъфога чиқишига, бир неча миллион евролик жарималарга олиб келди.

Олмонияда нодавлат нотижорат ташкилотлари коррупцияга қарши курашишда муҳим ўрин тутди. Улар аҳолининг хабардорлигини ошириш, порахўрлик ва коррупцияни қоралаш, жамоатчилик муҳокамасини ташкил қилиш, мазкур каби иллатга қарши ислохотларни илгари суриш борасида ўз сўзи ва овозига эга.

### Эстония

Коррупцияга қарши кураш борасида муваффақиятга эришган мўъжаз мамлакатлардан бири Эстониядир. 1990-йилларда Эстонияда коррупция ва уюшган жиноятчилик чуқур илдиз отган эди. Ушбу мамлакатда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принципларидан бири ахборот технологиялари хизматларининг бошқарувга ва давлат хизматларига фаол жалб қилингани бўлди. Бугунги кунда Эстония Европа иттифоқида ИТ-технология соҳасидаги илғор мамлакат ҳисобланади. Мамлакат тўлиқ бепул Wi-Fi билан, 98 фоиз ҳудуди эса симсиз интернет билан қамраб олинган.

Ахборот технологиялари ривожланиши коррупция муаммосини тубдан ҳал қилиш имконини берди. Биринчи галда бунга “электрон ҳукумат”ни жорий қилиш орқали эришилди. 2000—2005 йилларда мамлакатдаги ҳамма ҳужжатлар айланиши электрон шаклга ўтказилган ва барча эстонияликлар ягона маълумотлар базасига уланган. Амалдорларга керак бўладиган барча маълумотлар — иқтисодий статистика, суд, архив ҳужжатлари, тиббиёт карточкаси ва фуқаролар шикоятлари давлат маълумотлар базасида жойлашган. Тизим шундай яратилганки, ҳар қандай амал-

дор маълумотлар базасига кириб, фуқаронинг маълумотларига назар ташласа, унга ўзгартиш киритиш ёки киритмасликдан қатъи назар из қолдиради. Яъни ғаразли давлат хизматчисининг қилмишини бир баҳяда аниқлаш мумкин.

Мен айнан “электрон ҳукумат” тизимини ўрганиш учун 2015 йилда Эстонияда бўлганман. Кўрганманки, ҳатто қувуридан сув оққан киши сантехника ҳам интернетдан буюртма беради, тиши оғриган киши стоматолог қабулига ҳам уйдан туриб ёзилади, фирма очмоқчи бўлган киши ҳам уйдан туриб, тегишли шаклни тўлдирган ҳолда ҳужжат топширади ва тез муддатда олади, чунки у шаклда ўз исми-шарифини ё картаси рақамини ёзиши билан тизим ўзи қайда яшаши, соғлиғи ва ҳоказо маълумотларни давлат тизимидан олади ва аризани тўлдиради. Бирор ерга бориш, маҳалладан, солиқдан ва бошқа бир ердан справка тўплаш шарт эмас.

Эътиборли жиҳати шундаки, амалдорлар ва фуқаролар қарийб мулоқот қилмайди ёки бир-бирини жуда камдан-кам ҳолларда кўради. Эстонияликлар солиқ декларациясини электрон тарзда топширади. Масалан, 2010 йилдаёқ 97 фоиз декларация интернет орқали юборилганди. Юридик шахсни рўйхатга олиш 15 минутда ҳал бўлади, бунда тадбиркор кабинетма-кабинет сарсон бўлмайди. Эстония 2007 йилда дунёда биринчи бўлиб ўз фуқароларининг сайловда электрон тарзда овоз бериш имкониятини яратди.

Тегишли ҳужжатларни олиш учун фуқаро жойида суратга тушиб, электрон сканерда имзо қўйиши, бармоқ изларини топшириб, давлат божини тўлаши кифоя. Барча зарур ҳужжатлар автоматлаштирилган режимда тизимга келиб тушади. Барча ҳаракатларга бор-йўғи 10 дақиқа кетади. Ҳужжат тайёр бўлгач, фуқарога электрон почта ёки мобиль алоқа орқали хабар келади. Ана шу тартибда е-мактаб, е-полиция, е-тиббиёт тизимлари ишлайди. Ота-оналар фарзанди машғулотга қатнашган-қатнашмаганини билиб олади, унинг уй вазифалари ва баҳоларини кузатиб боради. Эстонияда давлат идораларида узундан-узоқ навбатларга барҳам берилди.

Бу тажрибалар биз учун аскотиши, шубҳасиз.

Карим БАҲРИЕВ



**Ижодкор – давр фарзанди, ижод – безовта идрокнинг, уйғок қалбнинг меваси. У жамиятнинг жароҳатларини кўрмаслиги, юрагидан ўтказмаслиги мумкин эмас. Бир қараганда кўнгилочар комедия бўлиб кўринган Леонид Гайдай, Георгий Данелия, Эльдар Рязанов, Эльдар Шенгелая ва Зулфиқор Мусоқов фильмларининг тағамида ҳам ижтимоий қатламлар бисёр.**

Масалан, Данелиянинг “Кузги марафон” фильми қахрамони Андрей Бузкин – ўзини увол қилаётган, майдаланиб кетаётган совет зиёлисининг образи. У яхши педагог, яхши филолог, профессионал таржимон. Лекин ШАХС бўлмайпти. Чунки у муросагўй, “йўк” дейишни билмайди. Шунинг учун шахсий ҳаёти ҳам, ижтимоий ҳаёти ҳам аросат. Ўзлиги ўзгаларга, майда-чуйда нарсаларга согурилган. Бу каби ҳалим зиёлиларни жамият қахрамонининг ўзи айтганидек “пол артишгача” олиб боради. Ва шундан манфаатдор! Галина Волчекнинг қахрамони худбин ва думбул таржимон – истеъдодидан омади баланд сурбет тоифанинг тимсоли. Бу жамиятга ўз истаги, ўз дунёси бор қатъиятли кўнгилоч одамидан кўра, ҳаммага намуна қилиб кўрсатса бўладиган совет граждани керак. Намунали ота, намунали эр, намунали ходим, намунали дўст, намунали ҳамкасб, намунали кўшани! Рязановнинг “Такдир ҳазили ёхуд қушдек энгил бўлинг” фильмида ҳам одамларни ўзига хослик кийфасида эмас, ёппасига “намуналилик” қолипиди кўришни хоҳлаган, лекин бунинг уддасидан чиқа олмаган совет давлатига нисбатан истеъзо бор.

Ўзбек киносига янгилик олиб кирган, унинг ривожига самарали ҳисса қўшган ижодкор ижтимоий-сиёсий оғрикларни четлаб ўтиши мумкин эмас эди. Поэтик фильмлар билан кинога кириб келган Элёр Эшмухаммедов ҳам ижтимоий мазмунга эга “Алвидо, гўр ёшлигим” ва қайта қуриш даврининг экрандаги акс-садоси “Шок” фильмлари билан ўзбек киносини тарқатган эди. Шу ўринда савол туғилади. Бунгача жараён аслида қандай эди? Ўзбек фильмларида ҳаёт ҳақиқати қай даражада акс этган? Йигирманчи асрда ўзбек киносининг нигоҳи ижтимоий драмаларга эмас, сиёсий буюртма асарларга қаратилгани аччиқ ҳақиқат. Киносанъати асосан совет мафкурасининг тарғибот қуроли, жўнгина пропагандачиси вазифасини бажаришига тўғри келган. 1928 йилдан то 1988 йилгача яратилган фильмларнинг аксари илмий-назарий тахлилдан кўра, кўпроқ социал таснифга тортишининг сабаби шундан.

Шу даврлар оралиғида олинган фильмларда сиёсий мафкуранинг, расмий бош ғоянинг қайси йилларда қандай эврилиш жараёнини кузатиш мумкин. Амиру хонлик монархиясидан зулм кўрган захматқаш халқ; рус инқилобининг қутлуғ қадамига илҳақ қора халқ; шўроларнинг маҳаллий аҳолига марҳамати; уруфотга ботган диндорлар; ер-сув тақсими; озодликка интилган Шарқ аёлларининг паранжи ташлаши; йўқсилларнинг саводини ошириш ислохотлари; босмачилар мавзуси; бойу камбағал зиддияти, оқ олтин – пахта ислохоти; ер тақсими; “улуғ оға” миллат вакили зулматга ботган маҳаллий аҳолининг сиёсий онгини оширади; “оғамиллат” муҳаббати билан ўзбек қизини бидъатларга қарши исёнга чорлайди; гўё маданияшган коммунист ўзбекнинг аччиқ-чучук ҳаётдан маиший киноҳикоялар ва ҳаммага ибрат бўла оладиган совет киши ҳаётидаги паст-баландликлар...

Хуллас, шу ўлчовдаги мавзулар қарийб олтмиш йил давомида фильмдан фильмга яйраб яшнади. Асосий мақсад Давлат пропагандасига хизмат қилиш эди. Бу ғоя ўзбек-совет киносининг усталари Наби Ғаниев, Йўлдош Аъзамов, Комил Ёрматов, Латиф Файзиев, Шухрат Аббосов, Равил Ботиров ва Али Ҳамроев ижодида, ҳатто биографик мазмундаги тарихий фильмларда ҳам турли талқинда юксак маҳорат билан намоён бўлди. “Буюк шахсларга бағишланган фильмларда коммунистик сўз “миллий” хабарнома шаклига кирди.



Хўп, тарихий фильм ишлашдан мақсад нима? Тарихдан туриб бугунга қуллук қилиши? Совет даврида қилинган ишлар бу йўл хато эканини исботлади.

“Нодирабегим” фильмида қатл ёқасидаги шоиранинг видео сўзини эшитамиз: “...Минг афсуски элчим ўшал маърифатпарвар рус тупроғин сарҳадига менинг номамни улгурмади етказишга. Гар рўёбга чиққандами эзгу ниятлар фароғатда яшар эдик. Авом халқим абадул абад, ғазалларим қуйлаб шодон// Ана унда мени эмас, беномусларни қатл этишарди...”. “Ўтган кунлар” фильмининг якунини эсланг: “... умумхалқнинг асрий орзуси – ёруғ кунлар яқинлашмоқда эди. Азиз замондошим, сен юз йил муқаддам ўтган кунларга назар ташладинг. Ўтмишни ёд этиш шу кунлардаги гулгун ҳаётинг ва нурафшон истиқболнинг қадрига янада чуқурроқ етмоғинг учун зарур деб лозим топдик.”

Бугунги “гулгун ҳаёт”га қуллук қилиш баҳонасида фильм олинган гўё. Йўқ, мен фильм ижодкорларининг, кимсан Комил Ёрматову Йўлдош Аъзамовдек режиссёрлар меҳнатини камситмоқчи эмасман. Бунга маънавий ҳаққим ҳам йўқ. Ваҳоланки, мазкур иккала фильм совет даврида ишланган тарихий фильмларимиз ичидан энг муваффақиятлиларидан. Фақат бу йўл босиб ўтилди. Ва ўзини оқламади.

Шундай бўлса-да, адолат юзасидан айтиш керак, Шухрат Аббосов, Учқун Назаров, Али Ҳамроев, Элёр Эшмухаммедов, Қамара Камолова каби кинорежиссёрлар Давлат киноси учун белгилаб берилган ижтимоий ҳудудни қисман кенгайтириб беришди. Улар камера нигоҳини муваққат ғоядан қиялатиб инсон кўнглига яқинлаштирдилар. Ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг инсон тақдирида акс этиши ўзбек киносига мустақилликнинг дастлабки йилларида ўз бўйини, овозини дадил кўрсата бошлади, “Темир хотин” ва “Отамдан қолган далалар” фильмлари ҳақиқий сиёсий-социал драма тусини олди. Мазкур фильмлар экран талқини бўлгани боис, биз кўзлаган мавзудан ташқаридалиги учун узок тўхташа олмаймиз.

Юзталикка кирган дурдоналар орасида кинорежиссёр Юсуф Розиковнинг ҳам фильмлари бор. Улардан бири “Воиз” картинаси 1999 йилда суратга олинган. Мазкур киноасар совет инқилобига юз тутган юртимиз ҳаётининг ҳикоя қилади. Давр ўзига қахрамонни қандай осон ясаган бўлса, худди шундай осонлик билан воз кечиб қўя қолади. “Воиз” ўзбек миллатининг нозик жиҳатлари, ўзига хосликлари неқбинлик билан ёритилган дастлабки тарихий экран асарларидандир. Юсуф Розиков ижодининг аҳамиятли томонларидан бири шундаки, “менталитет” тушунчаси миллат тафаккури даражасида юксалади. Миллий маҳдудлик босқичида қолиб кетмайди.

Али Ҳамроевнинг “Матонат” фильми-

да ҳам айнан ана шу тарихий воқелик акс этган. Туркистон заминидagi инқилоб ва хотин-қизларнинг озодликка интилиши мадҳ этилган ўта ғоявий, бугунга келиб шўр ровийга айланган киноасар. Ҳамроев фильмида паранжи ташлаш воқеаси тарихий шонли воқелик тарзида талқин этилган. Озодликка интилаётган Шарқ аёл-

“маслак” юриб-юриб қулликка, мутеликка етиб келди. Оммани оғзига қаратган воизнинг издоши “Ўртоқ Бойкенжаев” фильмида арзимас винтчага айланади. Иккиси ҳам ижтимоий ижобий қахрамон. Давлат учун хавф туғдирадиган бузғунчи эмас. Иккисининг-да кўксига аёлга, муҳаббатга жой бор. Фильмда ижтимоий-сиёсий му-

## САНЪАТКОР ДАСТЁР БЎЛИШГА МАЖБУР ЭМАС

ларининг жасорати йиллар ўтиб “Воиз” фильмида мунис аёлларнинг матонати ғоясига кўчади. Лекин “Матонат” фильми ҳукмрон мафкура нуктаи назари билан экранлаштирилган буюртма асар эди. Шунинг учун ҳам воқеликнинг сурати публицистик пафос билан санъатқарона кўрсатиб берилади. “Воиз”да эса тарихнинг бу саҳифасига бошқа кўз билан қаралади. Воқеликнинг суратига эмас, сийратига кўз ташлаш бор. Совет Ўзбекистонининг эмас, мустақил Ўзбекистон позициясидан қаралади. Албатта, даврлар ўзгарган, замон ўзгарган, мақсад ўзгарган. Ҳолбуки, Ўзбекистон Конституциясининг 12-моддасида ёзилган: “Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”. Шу боис кўникама айланган, оҳорсиз қарашларнинг чиқариб берилиши ўзини асло оқламади. Бироқ Юсуф Розиков фильми ҳам тарихга тош отиш йўлидан борган-ку, деган ҳақиқат савол туғилади.

Али Ҳамроев инқилобдан олдинги даврга тош отса, у мустақиллик давридан туриб инқилобнинг ўзига қарата тош отяпти каби фикр уйғониши табиий. Розиков салафлари каби инсонни фидойилик никоби билан мафкурага қурбон қилиб юбормайди. Аксинча, синган тақдирлар мисолида ўткинчи мафкураларнинг ялонғочлигини, ғариблигини кўрсатиб беради. Миллий колорит тушунчаси ҳамма ижодкор учун ҳам муҳим ҳисобланмайди. Совет даврида фаолият юритган режиссёрлардан Шухрат Аббосов ижодида ўзбекона қадрият ва халқ феномени бир бутун ходисага айланади. Албатта, ижодкор даврнинг маҳсули. Буни инкор этолмаймиз. Кейинги авлод режиссёрлари эса бу масалада анча диққатлироқ. Чунки муносабат ҳам ўзгарган. Миллатнинг ўзига хослигини истеъзо аралаш мутойиба билан ифодалаш Зулфиқор Мусоқов ижодида хос хусусият бўлса, Юсуф Розиков имзосида миллатнинг донишмандлигига чуқур эҳтиром бор. У миллий туйғу тушунчасига, ўзбек фольклорига ўта эҳтиётқарона ёндашади. Розиковдаги бу нуктадонлик рус ҳаёти акс этган “Номус” ва “Керосин” фильмларида ҳам акс этган. Аслида, профессионаллик шу бўлса керак: ҳар бир ишга ҳалол ва виждонан ёндашиш. Бу ерда, аввало, шахснинг ўзига хурмат мавжуд.

“Ўртоқ Бойкенжаев” ва “Воиз” фильмларида юртимиз тарихидаги доғларда нафақат “лаънати” большевиклар, балки ўзимиз ҳам айбдоримиз”, деган фикр бор. Айниқса, “Ўртоқ Бойкенжаев”да сиёсий характер кабариб туради. “Воиз” фильмининг қахрамони билан “Ўртоқ Бойкенжаев” қахрамони ўртасида умумийликни, тадрижий боғланишни кўриш мумкин... Хат-саводли Искандар аравақаш бора-бора бўйинбоғ таққан дастёр Бойкенжаевга айланди. Янги ҳукумат билан муроса йўлини тутган “Воиз”нинг қахрамони –

аммолар тарғифарс билан очилган. Албатта, бу фильмнинг муваффақиятида катта адабиётнинг ҳиссасидан кўз юма олмаймиз. Диалоглар ниҳоятда табиий, жонли, ўзбекона. Истеъзо муҳитини яратишда муҳаррир Эркин Аъзамнинг қўли яққол сезилади. Янгича урф билан айтганда ғоя муаллифи ва лойиҳа раҳбари – атоқли адабимиз Мурод Муҳаммад Дўст эди.

Бир ҳақиқатдан кўз юма олмаймиз: санъат – тубанликка, мунофиқликка, ёлғонга, адолатсизликка, зулмга, чорасиз инсоннинг кўз ёшларига, жаҳолатга қалбнинг муросасиз муносабати. Қаердаки ёлғону фосиқлик канчалик кучли бўлса, юракнинг ҳайкириғи ҳам ўшанча баланд бўлади. Кўз зулматда янаям ўткирлашади. Шунинг учун ҳам рус адабиёти буюк эди. Европа танқидий реализмининг людовиклару наполеонларни кўрган, улардан юз ўтирган жамият яратди. Юқорида айтганимдек, фашизм кинодаги катта тўлқин неореализмнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Грузин кинорежиссёри Тенгиз Абуладзе “Кино – севгисиз дунё учун кўзёш тўқади” деб айтган эди. Бугун ўша кўзёшнинг юқини эрон фильмларида кўраимиз. Тақиклар ичида эрк топган эрон киносига инсоний драманинг янада ичкинлашаётгани бежиз эмас.

Эрон муаллифлик киноси бутун бошли жамиятдаги жараённи битта инсоннинг изтиробиди чиқара оляпти. Аббос Киаростами, Мажид Маждий, Муҳсин Маҳмалбаф, Жафар Паноҳий ва Аскар Фарходий каби режиссёрлар миллионлаб одамларнинг тақдири, орзу-истаклари уч-тўрт арбоб ихтиёрида бўлган тузим ҳақидаги оғир-оғир саволларини дунёга олиб чиқди. Улар ижтимоий кўламга кўтарилган маиший мавзунинг психологик талқинини кўрсатиб беришди. “Кино тили”нинг имкониятлари чексизлигини кўрсатиб берган Андрей Тарковский, Сергей Параджанов, Тенгиз Абуладзе, Александр Сокуров ва Андрей Звягинцев ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган феноменлар эмас. Айнан йўлсизликлар янги йўлларни очди. Боши берк кўчалар шахсларни яратади. Хўш, унда нега бизда ланжлик ҳукм суряпти? Шоир тараннум этганидек, чиндан ҳам ердаги жаннатда яшапмизми? Балки биз ўзимизни кўп нарсдан, ҳатто ҳақиқатни кўришдан (айтиш демаяпман) ҳам ихоталаб ташлагандирмиз. Дард миқёси тор бўлгани учун бадиий ва экран асарларида юракнинг зарби сустмикан? Ўзимиз танлаган илмиқлик, “олтин ўрталик” деб атаганимиз сихни ҳам, кабогни ҳам куйдирмаслик истаги ўз-ўзидан матнга-экранга кўчяпти. Афсуски, биз бугун “шахс” деб улуғлаётган зиёлиларни Абдулла Қодирийнинг қисмати ва жасоратидан кўра унга ўрнатилган ҳайкал кўпроқ ҳаяжонлантиради.

Иқбол ҚЎШШАЕВА



## ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Дунё аҳолисининг ўсиши билан сув ва озик-овқатга бўлган талаб ортиб бормоқда. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш етарли даражада эмаслиги, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит шароитининг ёмонлашиши туфайли кўплаб сув манбалари хавф остида қолмоқда.

Сайёрамиздаги барча сув захираларининг камайиб, ифлосланиб, сифати ёмонлашиб, истеъмолга яроқсиз бўлиб бориши инсоният ҳаётини катта хавф остига қўйиш билан бирга дунё иқтисодиётининг пасайишига ҳам олиб келиши мумкин. Прогнозларга кўра, 2040 йилга келиб, жаҳоннинг 33 давлати сувнинг ўта даражада танқислиги муаммоси билан тўқнашади. Бундай мамлакатлар қаторига Марказий Осиё давлатларини ҳам кириштириш мумкин.

Қолаверса, сув айрим минтақалар учун геосиёсий барқарорлик омилли бўлиб, ундан фойдаланиш, уни тақсимлашнинг самарали ва барқарор амалиётларини ишлаб чиқиш минтақа мамлакатларининг келажак-

даги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида, шунингдек экологик мувозанатини таъминлашда муҳим омилдир.

Олий Мажлис палаталари томонидан кўриб чиқилган ва маъқулланган “Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек-қирғиз Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2022 йил 3 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги, шунингдек “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида Андижон (“Кампиробод”) сув омборининг сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисидаги Битимни (Бишкек, 2022 йил 3 ноябрь) рати-

фикация қилиш ҳақида”ги конунларни муҳокамасига Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари алоҳида эътибор билан қарадилар.

Фракциямиз аъзолари ҳозирги кунда глобал иқлим ўзгаришлари шароитида дунё миқёсида сув ресурслари билан боғлиқ масалалар тобора долзарб бўлиб бораётгани алоҳида қайд этиб ўтдилар.

Конунлар билан белгиланаётган сув ресурсларидан фойдаланишда ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳамда икки давлат чегараларининг аниқлаштирилаётгани икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ишончни янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Юқоридаги иккита муҳим ҳужжатни ратификация қилиш масаласи Қирғизистон парламентида кўриб чиқилгани ва маъқуллангани, кейинчалик давлат раҳбар-

лари томонидан имзолангандан сўнг ҳар икки давлат ҳукуматлари олдида муҳим масъулиятлар юклайди.

Чунки шартномаларнинг айрим муҳим бандларининг ижроси икки томонлама келишилган ҳолда амалга оширилади, баъзи масалалар бўйича алоҳида шартномалар қабул қилинади, музокаралар ва маслаҳатлашувлар ўтказилади.

Шу сабабли Экологик партия фракцияси кейинчалик бу соҳада парламент назорати имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда Ўзбекистон тарафидан ўз мажбуриятларини тўлиқ ва муддатида таъминлаш чораларини кўришда бевоқифа иштирок этадилар.

**Хайрулло ҒАФФОРОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,**  
**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари**

## МЕТРОЛОГИЯГА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ



Ўзбекистон миллий метрология институтининг масъул ходимлари ҳар 4 йилда бир марта ўтказиладиган, метрология соҳасининг халқаро доирадаги ушбу энг нуфузли ҳисобланадиган конференциясида иштирок этишди.

Конференция Франциянинг Версал шаҳрида Халқаро тарози ва ўлчовлар бюросининг навбатдаги 27-Бош йиғилиши доирасида бўлиб ўтказилди. Унда аъзо мамлакатлардан қатнашувчилар томонидан «Метрологияга бўлган эҳтиёжлар» ҳисоботи, Глобал рақамли трансформация ва халқаро бирликлар тизими, Халқаро катталар тизими (SI) префикслари диапазонини кенгайтириш, халқаро вақт бирлиги UTCдан фойдаланиш ва келажакдаги ривожланиш, Метрик конвенциясига риоя қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Институт масъуллари конференция кун тартибига асосан маъруза ўқишди.

## “ТУРКИЙ АДАБИЁТ ДУРДОНАЛАРИ”

Ганжина

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида давлатимиз раҳбари ғояси асосида тайёрланган 100 жилдли “Туркий адабиёт дурдоналари” тўплами тақдими бўлиб ўтди.

Самарқандда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташкилотга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар адабиётининг сара намуналаридан иборат 100 жилдли “Туркий адабиёт дурдоналари” тўплами ўзбек тилида нашр қилинганини эътироф этиб, “Ушбу бебаҳо маънавий хазина бarchа аъзо ва кузатувчи давлатлар тилларида ҳам чоп этсак, қардош элларимизни, авваламбор, ёш авлодларимизни ўзаро яқинлаштириш учун мустаҳкам замин яратган бўлар эдик”, деган эди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Фанлар академияси томонидан тайёрланган 100 жилддан иборат “Туркий адабиёт дурдоналари” номи асарлар тўплами тақдими бўлиб ўтди. Унда мазкур тўпламни яратишда иштирок этган тилшунос, манбашунос олимлар, таржимонлар, шунингдек, туркий давлатлар элчихонаси вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайридин Султонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Ходжаев ва бошқалар туркий халқлар ўртасида ягона тарих ва умумий кадриятлар тимсолига айланган адабий алоқалар асосида илгари сурилган ушбу инсонпарвар лойиҳанинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий аҳамияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тантанали тадбирда 100 жилдли “Туркий адабиёт дурдоналари” тўпламини яратиш билан боғлиқ жараёнлар, олиб борилган илмий ва ижодий изланишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Маълумки, бундан уч йил муқаддам, 2019 йилнинг 15 октябрида Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммитида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташкилотга аъзо давлатлар адабиётининг энг сара намуналаридан иборат “Туркий адабиёт дурдоналари” деб номланган 100 жилдли китоблар туркумини ҳар бир мамлакатнинг она тилида нашр

этиш ғоясини илгари сурган эди.

Шундан кейин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ишчи гуруҳи тuzилиб, юзга яқин адабиётшунос, матншунос олимлар, таржимонлар, адиблар, муҳаррир, рассомлар йиғилган ва тавсия этилган асарлар мажмуасини ўзбек тилида тайёрлаш ва чоп этишишларига жалб қилинди Улар томонидан киска муддатлар ичида катта қўламдаги ижодий ишлар амалга оширилди. Мажмуа учун материал тўплаш мақсадида қардош давлатларга бир неча бор ижодий сафарлар уюштирилди. 100 жилдли бу тўплами тайёрлашда 200 нафардан зиёд таржимон иштирок этди.

“Туркий адабиёт дурдоналари” тўплами жами 1010 нафар муаллифни камраб олган бўлиб, ижодий жараён давомида энг яхши таржима сифатида эътироф этилган бетақрор асарлар танлаб олинди. Ўтган йили “Ўзбекистон” нашриёти томонидан мазкур лойиҳанинг 25 та жилдли нашрга тайёрланган эди. — Ушбу адабий ганжина нафақат Марказий Осий, балки бутун туркий тилли давлатлар орасида илк бор рўёбга чиқарилган йирик адабий лойиҳанинг амалий ифодаси, аниқроқ айтадиган бўлса, Янги Ўзбекистоннинг янги сиёсий маҳсули, она юртимизда маданият ва санъатга кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг, халқимизнинг қардош халқлар ва уларнинг сўз санъатига нисбатан юксак ҳурмат-эҳтироми рамзидир, — деб ёзган эди туркум биринчи жилди сўзбошисида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид. Жорий йилда мазкур лойиҳа учун режалаштирилган 75 та жилд нашрга тайёрланди ва белгиланган муддатда чоп этилди.

Тўплагма умумтуркий адабиётнинг қадимги даврдан то XXI асрнинг шу кунларига қадар Ўзбекистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркменистон ва Венгриянинг 629 нафар атоқли шоир, адиб ва мутафаккирлари, атоқли шоир ва адибларининг энг сара асарлари намуналари киритилди. Шунингдек, мажмуанинг 17 жилди турк адабиёти, 16 жилди озарбайжон, 10 жилди қозок, 9 жилддан қирғиз ва туркман адабиёти, 5 жилди қорақалпоқ ва 1 жилди венгер адабиёти вакиллари асарларидан иборат.

— Ушбу адабий хазина туркий тилли давлат-

лар орасида илк бор рўёбга чиқарилган йирик адабий лойиҳа сифатида ғоят қадрлидир, — дейди “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев. — Мажмуада барча туркий тилли халқлар адабиёти вакиллари кенг ўрин берилган. Мисол учун оладиган бўлсак, “Умумтуркий адабиёт намуналари” деб номланувчи дастлабки 5 жилддан Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” ва Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, Аҳмад Ясавий ва Сулаймон Боқирғонийнинг “Ҳикматлар”и ҳамда Носируддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” каби мумтоз асарлари ўрин олган.

28 жилддан иборат “Ўзбек адабиёти намуналари” Алишер Навоийнинг сайланма ғазаллари билан бошланади. Мажмуада қорақалпоқ, турк, озарбайжон, қозок, қирғиз, ва туркман ижодиётига ҳам кенг ўрин ажратилган. Жамланмага Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Нозим Ҳикмат, Низомий Ганжавий, Насимий, Фузулий, Самад Вургун, Абай, Мухтор Аевзов, Собит Муқонов, Чингиз Айтматов, Тўлаган Қосимбеков, Мар Бойжиев, Махтумқули, Мулланафас, Отажон Тоғон каби юздан зиёд туркий адабиёт дарғаларининг, Арон Ярош ва таниқли венгер адибларининг машҳур асарлари киритилган.

Ғафур Ғулом, Мирзақалон Исмоилий, Миртемир, Носир Фозилов, Пиримқул Қодиров сингари устоз адиблар билан бир қаторда ҳозирги кунда бадиий таржима соҳасида меҳнат қилаётган мутаржимларнинг ижодий ишларига ҳам алоҳида ўрин берилган. Мажмуанинг 10 та жилдида туркман адабиётининг Озодий, Андалиб, Махтумқули, Мулланафас, Берди Кербобаев, Хидир Деряев, Отажон Тўғон каби ўнлаб машҳур мумтоз ва замонавий шоир-ёзувчилари сара асарлари киритилди. Асарлар мажмуаси “Ўзбекистон” нашриёти томонидан 200 минг нусхада чоп этилди.

Тақдимот маросимида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи мақомидаги мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари, адабиётшунос олимлар ўз фикрларини билдириб, бу бебаҳо адабий дурдонанинг нашр этилиши қардош халқлар ўртасидаги азалий дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлашди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Одил Абдурахмонов иштирок этди.

**Нуруллох ДОСТОН тайёрлади.**



## ҚУДРАТЛИ ҚУРОЛ

(Боши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбари халқ ичига кириб, уларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш одамийликнинг энг муҳим мезони эканини эътироф этиб, инсон манфаатлари ҳамда халқ розилигини ҳар нарсадан устун қўяр эканлар, бу масала доимо долзарблик касб этиши тайин.

Жадид маърифатпарвар адиби Абдулхамид Чўлпон таъбири билан айтганда, "кучоқ очиб халқ ичига боришни" ният қилган ҳар бир ходим бу масалага бефарқ бўлмаслиги аён. Халқ билан мулоқот замирида нутқ, нотик, мантик ва муомала тушунчалари алоҳида моҳият касб этади. Китобига биринчи ҳайкал қўйилган Антуан Сент Экзюпери "Бу дунёдаги бирдан - бир ҳақиқий неъмат одамларнинг бир-бири билан мулоқотидир" - дея бежиз уқтирмаган.

Чунки ижтимоий - сиёсий жараёнлардаги мулоқотлар заминиди бугунги кунда турли жабҳаларда олиб борилаётган сиёсат ва ислохотларнинг мазмун-моҳиятини оммага, кенг жамоатчиликка содда, раво ва аниқ етказа олиш ҳар бир давлат хизматчисининг бурчи ва виждон амридир.

Худди шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг (26.09.2022. № 02-РА 1-13607-сонли) хатига асосан Давлат бошқаруви академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва "Notiqlik san'ati akademiyasi" НТМ ҳамкорлигида "НОТИҚЛИК САНЪАТИ: КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИК, МУЛОҚОТ ВА МУОМАЛА МАДАНИЯТИ АСОСЛАРИ" ўқув-амалий курси ўз фаолиятини бошлади. Стратегик мақсадларни амалга ошириш учун ўринли қўлланган усул ва йўл-йўриқлар ҳамиша муваффақиятлар гарови бўлиб келган.

Инсон кадрини улуғлаган халқчил бош дастуримиз - Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш механизми Давлат хизматчиларининг тўла билиши ва амал қилиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада англаш ва англантиш, тушуниш ва тушунтиришнинг муҳим қуроли - етук билим, нутқ маданияти ва нотикликнинг ўрни беқиёсдир. Ушбу назарий ва амалий моҳиятга эга ўқув курси касбий фаолиятда коммуникатив компетентлик, нутқ маданияти ва нотиклик санъати, мулоқот этикети ва муомала маданияти борасида Давлат хизматчиларининг барча бўғинларига манфаатли экани билан характерланиб туради. Қайси мавзунга ёки фикр ва сўзга кимга, қаерда, қачон, қандай қилиб ва қанча айтишни билиш, табиийки, бу нотиклик маҳоратини, коммуникатив компетентлик даражасини белгилайди. Шу маънода, айтиш жоизки, тил тактикаси - тараққиёт стратегиясининг таъсирчан механизмидир. Шундагина у Президентимиз таъбири билан айтганда, таъсирчан ва қудратли қурол бўла олади.

Буюк мутафаккир Жалолиддин Румийдан "Бу дунёга келиб нимани англаб билдингиз" -деб сўраганларида у "ўз ҳадимни билдим" - деб жавоб берган экан. Ҳад-худудни билиш ҳақ-ҳуқуқни англашдир. Демак, ҳар қандай нотик, аввало, қонуний ва ҳуқуқий меъёрларни билиши керак. Шунинг учун ҳам ушбу курсга ўқув машғулотларини олиб бориш учун тажрибали мутахассислар, етук ҳуқуқшунос-нотиклар жалб этилган.

Юридик фанлар доктори, профессор Бобоқул Тошевнинг "Давлат хизматчисининг оғзаки юридик мулоқоти ва ҳужжатларни ёзма расмийлаштириш" мавзусидаги чиқишлари тингловчилар учун дастурула-

мал бўлгани сир эмас.

Шунингдек, "Ҳуқуқий ва ижтимоий муносабатларда ҳуқуқий, нутқий ва ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти" мавзусидаги юридик фанлар доктори, профессор Фирюза Мухиддинованинг амалий маърузаси ҳамда таниқли сиёсий шарҳловчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Қобилбек Каримовнинг "Сиёсий - ижтимоий нотиклик ва дипломатик муносабатлар мезони" мавзусидаги суҳбати тингловчиларнинг эътиборига молик бўлди. Каминанинг "Омма олдида нутқ сўзлаш, фикрни эркин баён этиш услублари, халқ билан мулоқот ва муомала маданиятини ривожлантириш, нутқ хусусиятларини билиш ва амалда қўллаш, минбар, микрофон ва видеокамера орқали жамоатчиликка фикр етказиш маданияти, телевидение ва радиоканалларга интервью бериш технологиясига доир" мулоҳазалари ҳам тингловчиларга жуда маъқул келгани қувонарлидир.

Бошқарув тизимида, турли раҳбарларнинг блогер ва журналистлар билан мулоқот жараёнидаги муаммолар борасида интернет саҳифаларида ҳар хил маълумотларга дуч келамиз. Хўш, давлат хизматчиси бундай ҳолларда қандай иш тутиши ва ўз вазифасини қонунидан қандай бажариши керак қабилдаги саволларга таниқли ва тажрибали журналист, ЎзЖОКУ доценти, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси Жамоатчилик Кенгашининг раиси Карим Бахриев "Давлат хизматчилари ва ОАВ муносабатларининг қонунчилик асослари" номида амалий маърузаси билан тўла, атрафли ва асосли жавоб берди.

Давлат хизматчилари нутқининг мантқиқий ва жозибали бўлишини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири тил имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда, ҳаммабоп тарзда таъсирчан фикр етказишдир. Бу борада эса санъатшуслук фанлари номзоди, доцент Гўзал Халиқуллованинг "Оммабоп нутқнинг тили ва услуби, нотиклик маҳоратини оширишда бадиийлик унсурларидан фойдаланиш" мавзусидаги амалий маърузаси қай даражада тингловчилар диққатини жалб этган бўлса, "Спикер" нотиклик мактабининг раҳбари, иктидорли, ёш нотик Икром Худайбергановнинг "Новербал мулоқот асослари, нутқда имо - ишора ва тана тилининг ўрни, нотик имижини ва маҳорати борасидаги амалий машғулотлари ҳам шунчалик йўсинда тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, филология фанлари номзоди, Давлат бошқаруви академиясининг доценти Улуғбек Саидовнинг "Ижтимоий мулоқотнинг замонавий усуллари" номида видеомаърузаси ҳамда амалий машғулотлари эътиборга молик бўлди.

Тингловчиларнинг ўн саккиз соатга мўлжалланган мавзулар юзасидан тузилган 115 та саволга берган жавоблари аудиовизуал имкониятдан келиб чиққан ҳолда тасвирга олиниб таҳлил қилинди. Уларнинг оғзаки нутқда қўрқув ва ҳаяжонни енга олиши, адабий тил меъёрларига риоя этиши, сўз бойлиги ва танлаши, фикрни эркин баён эта олиши, мантқиқий мушоҳада этиш даражаси, сўз ва товушларни ямламасдан аниқ ва тиниқ талаффуз қилиши ҳамда овоз, нафас, дикция, урғу, интонация, тўхтам ва оҳанг каби нутқ техникаси воситаларига тўғри амал қилишига эътибор қаратилди. Таъбир жоиз бўлса, "юзинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама" мақолига монанд ҳолда, "Нутқинг аниқ, фикринг тиниқ бўлмаса, микрофон ва видеокамерадан ўпкалама" қабилда иш тутилди, танқидий ва тахлилий назардан ўтказилди.

Уч кунлик ўқув якунида тингловчилар-

га "Нотиклик санъати: коммуникатив компетентлик, мулоқот ва муомала маданияти асослари" малака ошириш ўқув курсида 18 соатлик назарий-амалий машғулотларни ўзлаштиргани учун "Сертификат", "Спикерлик сирлари" ўқув қўлланмаси ҳамда "Сиз нотик бўлишни истайсизми?" номида видеодарслик тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бошқарма бошлиғи Зафарбек Олимбеков: Китобга яқин бўлган, уни мушоҳада қилган инсоннинг нутқи раво бўлиши аниқ. Қолаверса, сўз бойлиги ҳам ошиб бораверади. Нутқ маданияти, мулоқот мезонлари борасида устозлардан олган билимларимиз бизга мотивация берди. Ушбу ўқув курсининг ташкилотчиларига самимий миннатдорчилигимни билдираман. Назаримда, ўқув курсини босқич-ма-босқич ва тизимли асосда ташкил этиб бориш керак.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги Йиғма-таҳлил бошқармаси бош мутахассиси Норсоат Шаймарданов: Малака ошириш ўқув курси ўз устимизда кўпроқ ишлаш лозимлигини англади. Ўз устида ишлаш сўз устида ишлашдан бошланиши зарурлигини ҳис этдим. Ҳуқуқ, ҳуқуқ тушунчалари нутқ тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Тил имкониятларини мулоқот жараёнида қўллаш бир томон бўлса, соҳавий билимга эга бўлиш ҳам энг муҳим томондир. Ҳар қандай ходимнинг вертикал ва горизонтал карьераси унинг билими, одоби, ҳуқуқий ва нутқий маданиятига боғлиқлигини тингловчилар тўла англаб етишди.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг матбуот қотиби - ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Фирдавс Хайридинов: Бешиқдан қабргача илм изла деган ҳадис бежиз эмас. Дунёда ҳар қун деярлик барча соҳалар бўйича янгиликлар оқими кириб келмоқда. Шундай экан, барча хабар ва янгиликлардан боҳабар бўлиш давр талаби. Матбуот қотибларининг ушбу ўқув семинарда иштирок этиши жуда манфаатли бўлди. Дарсларнинг интерфаол усулда олиб борилаётгани бизни қизиқтирармики янада оширган эътиборга молик. Соҳамизга бевосита яқин бўлган касбдошлар билан танишиш ва фикр алмашишга имкон туғилди. Тажрибали журналист Карим Бахриевнинг соҳамизга оид янгиликлар ва муаммолар борасидаги мулоҳазалари диққатимизни тортибгина қолмасдан, билимимизни янада бойитди ва мустаҳкамлади. Бу машғулотлар учун уч кун кам деб ҳисоблайман. Очиғи, биз маълумотларга тўймай қолаёلمиз. Буни мунгазам ташкил этилиши тарафдориман.

Хуллас, хоҳ бошқарув тизимида, хоҳ таълимий-тарбиявий жабҳада, хоҳ ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва лидерлик соҳасида бўлсин мулоқот ва муомала жараёнидаги коммуникатив компетентлик, нутқ маданияти ва нотиклик санъати доимо зарур. Компетентлик даражаси юкори бўлган, хушмуомала давлат хизматчиси раҳбарлик қиладиган жамоада ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва бардамлик ҳукмрон бўлади. Ўша жамоадагина соғлом муҳит, иш унуми, яқдиллик, ижобий кўрсаткичлар ва самарали натижалар бўй кўрсатиши мукаррар.

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ



## Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир  
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
"Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-1108  
Адади: 1515.  
Пайшанба кун чикади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида  
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:  
Дилбар МАҲМУДОВА

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
(71) 233-72-77,  
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
"ЖАМИЯТ"дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:  
20:00  
1 2 3 4 5 6



## (Боши 1-саҳифада)

Бугун мамлакатимиз халқ таълими тизимини такомиллаштириш борасида қизғин баҳс-мунозаралар кетяпти. Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали куйинчак инсонлар ўз мулоҳазаларини билдираётгани кишини қувонтиради.

Ўзбекистон халқ таълими тизими чуқур ислохотларга муҳтож эканлиги оидинлашмоқда. Назаримда, тизимдаги энг долзарб муаммо педагог кадрлар малакаси ва маҳорати масаласи. Узоқ йиллар давомида педагог ходимларга кам иш ҳақи тўлаб келингани уларнинг билим ва малакаси сифатининг ёмонлашувига олиб келди. Нуфузли университетлар ва бошқа обрўли таълим даргоҳларига киришни эпложмай диган битирувчиларнинг аксарияти дипломли бўлиш илжинида педагогика олий таълим муассасаларида ўқий бошлади. Шўро даврида савдо, молия, иктисодиёт, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, кишлок хўжалиги сингари соҳаларга кадрлар тайёрлаб берувчи олий таълим муассасаларига асосан пулдор ва амалдорларнинг фарзандлари борар, педагогика эса нисбатан камбағал оилаларнинг болалари ўқирди.

Мустақилликдан кейин жорий этилган тест-синов қабул тартибидан сўнг иқтидорли, истеъдодли битирувчиларни нуфузли ОТМлар оҳанрабодек ўзига тортди. Натижада педагогика йўналишидаги олий ўқув юртралида ўртамиёна талабалар тўпланиб қолди. Мана, йиллар ўтиб, улар зиммасига ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли вазифа юкланди. Кўриниб турибдики, улар бу оғир юкни тортишга ожизлик қилишмоқда. Оқибатда муаллим-устознинг юксак обрўси кундан кунга ерпарчин бўлмоқда. Кунда бўлмаса, кунора ўқитувчиларнинг калтакланаётгани, камситилаётгани ҳақидаги хабарлар етиб келмоқда.

Бунда фақат ота-оналар ва ака-опалар ёки ўқитувчиларни бир томонлама қоралаш фикридан йироқман. Директорлик давримда олий таълим муассасаларини битириб келган мутахассисларни ақлим етганича синовдан ўтказиб, ишга қабул қилиш одатим бор эди. Ўша йилларда от билан олмошнинг фаркига бормаидиган тилчилар, коптокнинг ҳажмини ўлчаб беролмаган математиклар, таржимаи ҳолини ёзиб беришнинг уйдасидан чиқолмаган рус тили ўқитувчилари, транзистор нима эканлигини билмаган физиклар, фасллар алмашинуви сабабини тушунмайдиган географлар, 60 сўзли диктантни ўн бешта хато билан ёзадиган бошланғич синф муаллимлари билан юзма-юз бўлганман. Гарчанд кўнглимни топишга уринганларида ҳам ундайларни ишга қабул қилмаганман. Афсуски, улар қаерданир иш топиб жойлашганларига ишончим комил. Чунки қўлларидан сеҳрли таёқча – диплом бор. Кейинчалик улардан биттаси нуфузли таълим ташкилотидан бўлим бошлиғи даражасига кўтарилганини кўриб, сира ажабланмадим. Сабаби, таълим тизимимизда кадрларни саралаш механизми деярли ишламайди. Уни коррупция деган бало қомига тортиб кетганига анча бўлди. Ўқитувчининг машаққатли меҳнати кадрланмай

қўйганини гапирмаса ҳам бўлади.

Устозларимнинг хотирлашича, ҳали одамларнинг қорни нонга тўймаган ўша оғир йилларда муаллимнинг бир ойлик маошига бузоқли сигир сотиб олиш мумкин бўлган. Улар яна пулимиз ортиб қолиб, келгуси ойликкача тирикчилигимизга етган эди, деб эслайди. Ҳақиқатан ўша йилларда ҳа-

тизими изидан фан-техника ривожланиб, дунёдаги илғор ўринлардан бирига чиқди. Жаҳонда биринчи бўлиб коинотга йўл очди ва инсонни космосга учирди. Юрий Гагариннинг парвози Ғарб дунёсининг кўзини мошдек очиб қўйди. Шундан сўнг америкаликлар ҳам зудлик билан таълим соҳасини чуқур ислох қилишга киришди ва

лозимки, уларнинг нозик елкалари бундай машаққатли меҳнатга нисбатан заиф эканлиги сезилиб қолмоқда. Эркаларни мактабга қайтариш учун эса энди анчагина ишлар қилинаётган бўлса-да, натижалар қутилгандек эмаслиги аён бўлиб бормоқда.

Бугун тақлид қилаётганимиз - хориж таълим тизимининг яхши ёки ёмон томонлари ҳақида фикр билдириш истагидан йироқман. Аммо фикри ожизмча, фин, япон, турк, корейс, америкача таълим тажрибасини жорий қилишдан аввал педагог кадрларимиз салоҳиятини яхшилаш зарур. Қачонки ўқитувчиликдек оғир касб соҳибларига лойиқ иш ҳақи тўланмас экан, кўрилатган бошқа барча чоралар бефойда. Шундай қилиниши керакки, педагогика билимда энг сара йигит-қизлар ўқишни орзу қилсин! Билишимча, ўқитувчи бўлишни ҳозир кўпчилик ёшларимиз орзу қилмаяпти. Ҳатто педагогика йўналишида ўқиганлар ҳам даромадли соҳаларга ўтиб кетяпти. Бошқа соҳалардан тузук иш тополмаган кадрларгина мактабларга ноилождан бормоқда.

Бозорда арава сурадиган танишим бор. “Қунига юз-икки юз минг ишламасам, уйга қайтмайман, тоға”, - дейди. Албатта, унинг бу меҳнатини ҳурмат қиламан. Бироқ оддий ҳаммол олий маълумотли педагогдан кўра кўпроқ пул топадиган жамиятда зиёлининг обрў-эътибори мени ташвишлантиради...

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, ўқитувчининг маоши мамлакатдаги ўртача иш ҳақидан кам бўлса, ўша жойда таълим тизими издан чиқади. Энг юқори маошни 20 миллион сўм (гарчанд, бундан юқорироқ бўлса ҳам), энг камини 500 минг сўм деб олганимизда, ўртача миқдор 10 миллион сўм атрофида тўхтайдиган. Демак, президент ваъда қилган минг доллар мантаний адолатли маош эканлиги маълум бўлади. Масаланинг муаммоли жиҳати шундаки, айни ҳолатда давлатимиз хазинаси барча муаллимларга бу миқдорда ойлик беришга қодир эмасдир.

Менимча, бунда бошқача йўл билан иш тутишга тўғри келади. Аввало, бу борада самарасиз ишлаётган бошқарув аппаратини кескин қисқартириш керак. Халқ таълими бошқармалари, бўлимлари тугатилиб, ўрнида халқ таълими вазирлиги назоратидаги ихчам ва ҳалол ишлайдиган кам контингентли таълим департаментлари ташкил этилиши лозим. Тизимда коррупцияни урчиётган ҳар хил: мудир, бошлик, бўлим бошлиғи, эксперт, мониторингчи, назоратчи, тафтишчи, ўринбосар, услубчи, иқтисодчи, хисобчи, ёрдамчи сингари фойдасидан зарари кўпроқ тегадиган вазиадорлар сонини камайтириб, асосий эътиборни амалий педагогика билан шуғулланаётган ходимларга қаратиш керак. Айниқса, олий тоифали муаллимларнинг меҳнатини кадрлаб, Маҳмудхўжа Бехбудий иборалари билан айтганда, бошларини силаш зарур. Ана шундай қилинганда, ҳам ўқитувчилар, ҳам мактаблар ўртасида соғлом рақобат муҳити пайдо бўлади.

Худойберди КОМИЛОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
азъоси, фахрий педагог.

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИ:

ФОЙДАДАН КЎРА ЗАРАРИ  
КЎПРОҚ ВАЗИФАЛАР

ётда нима янгилик бўлса, биринчи навбатда ўқитувчиларнинг хонадонидан пайдо бўларди. Радио, телевизор, совутич, мотоцикл, гилам каби қимматбаҳо буюмларни дастлаб ўқитувчилар харид қилганига гувоҳ бўлганмиз. Яна турли имтиёзлар, курорт-санаторий ва саёҳатларга йўлланмалар ҳам энг аввало ўқитувчиларга бериларди. Уй қуриш учун ер участкалари, арзон нархда қурилиш материалларини ҳам биринчи галда ўқитувчи оларди. Ҳар хил маҳаллий солиқлардан озод қилиниб, электр, газ ва ўтин-кўмир муаллимлар учун деярли бепул эди. Шу сабаб бўлса керак, улар касбига меҳр бериб, астойдил меҳнат қилардилар.

Ўша даврлар маҳалладошимиз Эсон ака Юнусовнинг таниқли адиб Асқад Мухтор қаламига мансуб “Дарёлар тугашган жойда” кассаси ҳақида ёзган иншосини кўрганман. 11-синф ўқувчиси ёзган ушбу беш саҳифали иншога ўқитувчи Раҳим Саидмуродов етти саҳифали тақриз ёзиб, кейин баҳо қўйган. Мактаб ҳаёти билан боғлиқ кичкинагина бу манзара кишида ўша даврдаги таълим мазмуни ҳақида катта хулоса беради.

Қишлоғимиздаги Ломоносов номли 6-ўрта мактабда теварак-атроф, бу ёғи Тожикистон чегарасигача узоқ-яқин кишлоклардан келган ёшлар ижара уйларда туриб ўқирди. Чунки мактабимиз туманда ном қозонганди. Устоз муаллимлар ҳам бу ёғи Самарқанддан, бу ёғи Ургутдан қатнаб, сабоқ беришарди. Мактабнинг юк автомобили, трактори, металл ва ёғочга ишлов берадиган станоклари, ҳатто каттагина иссиқхонаси ҳам мавжуд эди. Муассасамизнинг мўъжазгина электр станцияси бўлиб, атрофдаги хонадонларга ёруғлик улашарди.

Таълимга бўлган бундай эътибор ва ғамхўрлик натижаси ўзини узоқ куттирмади. Собик шўро давлати таълим

жаҳонга машҳур “Қаҳрабод водийси”ни барпо этдилар. Шу туфайли кейинги ютуқ уларники бўлди. Америка астронавтилари 1968 йилда Ойга қўниб, АҚШ байроғини ўрнатди.

1965 йилда шўро давлатида ҳокимият тўнтариши содир бўлди. Янги келган ҳукумат бинойидек ишлаб турган таълим тизимини салбий йўналишда ислох қилди. 11 йиллик ўрта-политехника мактаблари унификация қилиниб, ягона шакл ва мазмундаги ўн йиллик ўрта мактаблар ва ҳунар-техника билим юртралига айлантирилди. Натижада мактабларда билим сифати сусайиб, касб-ҳунар билим юртрали қоқок ўқувчиларнинг ўзига хос жазо муассасасига айланиб қолди. Ўша мен айтган машҳур илғор мактаб ҳам кейинчалик бошқа ўртамиёна мактаблардан деярли фарқ қилмайдиган оддий ўрта таълим муассасасига айланди.

Афсуски, бу хато кейинчалик мустақил мамлакатимизда ҳам такрорланди. Истиқлол шарофати билан янгидан пайдо бўлган гимназиялар, лицейлар, коллежлар, иқтидорли болалар мактаблари тугатилиб, ҳаммаси бир шакл ва мазмундаги ўрта умумтаълим муассасаларига айлантирилди. Ҳатто Тўхтамурод Жумаевнинг машҳур “Қорақўл мактаби” ҳам ҳозир қанақадир ўқув марказига айлантирилди, деб эшитдик. Гап Т.Жумаев ҳақида борар экан, биз марҳум машҳал педагогларимиз тошкентлик Оқилхон Шарофиддинов, андижонлик Мамажон Абдурашулов, самарқандлик Ҳамид Мусаевларнинг порлоқ номларини алоҳида меҳр-муҳаббат билан эслаймиз. Тўхтамурод аканинг вафотидан кейин эслашга арзигулик яна бирор устоз қолдимиз?!

Шу ўринда мактабларимизда эркак ўқитувчиларнинг ўрни бошқача эканлиги яна бир марта ўзининг ёрқин исботини намоян этади. Хотин-қиз устозларимизни камситмаган ҳолда шуни айтиш